



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 6-dekabr, seshanba,
143-144 (23.708-23.709)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Одамлар ҳавас
қиладиган ёхуд
ибрат оладиган
ҳар бир ҳолат
комиллик
белгисидир

1913-yil aprel oyidan chiqq boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ: ДЕКЛАРАЦИЯДАН — АМАЛИЁТГА

Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" Глобал форуми ўз ишینی бошлади.

Ушбу нуфузли халқаро анжумани ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилганди.

Мазкур ташаббус асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкилотчилигидаги форум БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Европа Кенгаши, Фридрих Эберт жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов Глобал форумни очар экан, тадбирни "Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим: декларациядан — амалиётга" шiori асосида ўтказишни тақлиф қилди ва бу ташаббус иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сисатининг устувор йўналишларидан биридир, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов. — Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қридаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилингани ва мазкур Миллий ҳаракатлар дастури ижроси бўйича "Йул харитаси" 2021 йил декабрига қадар тўлиқ бажарилгани бунинг яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида олий ўқув юртлири учун инсон ҳуқуқла-



ри бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси белгилаб берилган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Мажлисида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва ўқитиш бўлими мурофиллаштирувчиси Елена Ипполити БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббуслари амалга оширилиши ҳолатини глобал кўламда таҳлил қилди. Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиясининг Бош котиби Девендра Кумар Сингх эса онлай тарзда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш борасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболлар ҳақида маъруза қилди.

Глобал форумнинг кейинги сессиясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга минтақавий ёндашувлар кўриб чиқилди. "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги расмий таълим тамойиллари ва ёндашувлари: глобал, минтақавий ва миллий таъриба" мавзусида параллел мажлислар ўтказилди. Уларда технологияларнинг ривожланиши, Интернет-ресурслар ва дунёнинг тез ўзгарувчан геосийсий манзарасини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги расмий ва норасмий таълимга илгор таъриба, инновацион, гендер ҳамда инклюзив ёндашувлар муҳокама қилиниб, аини йўналишдаги янги ташаббуслар тақдим этилди.

Глобал форумнинг биринчи ялли мажлисида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг 2005 йилдан бун амалга оширилиши жараёни ҳақида сўз борди.

Бунда асосан инсон ҳуқуқлари бўйича самарали таълимга эришиш тамойиллари ва ёндашувлари муҳокама қилинди. Шунингдек, замонавий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, дунёнинг турли ҳудудларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги технологияларнинг ривожланиши ва аини соҳада кўлга киритилган ютуқлар, сабоқ ва ҳулосалар таҳлил этилди.

Эркинжон ТУРДИМОВ: Навбаҳорда ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди

Вилоятдаги олис маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аини пайтда бу жараён Пайариқ туманининг Навбаҳор маҳалласида давом этмоқда.

Қисқа вақт ичида маҳалланинг Бешкапа, Киндикли, Туёқли, Абдурахмон ва Кўктепа қишлоқларининг уч километрдан ортиқ тупроқ кўчаларига шағал тушалди. Электр энергияси таъминотидаги узлишларнинг олдини олиш ва аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 141 дон бетон устун ўрнатиш бошланмоқда. Тўртта эски трансформатор янгисига алмаштирилмоқда. Олти қишлоқдаги аҳолига кўшимча юз дондан ортиқ маиший газ баллон тарқатилди.

Кўктепа қишлоғидаги сув иншоотини таъмирлаш ишларига киришилди. Шу пайтгача алоқа ва интернет тармоғи муаммо бўлган навбаҳорликлар энди бу масалада қийналмайди. Киндикли ва Бешкапа қишлоқларига оптик толали тармоқ тортилиб, аҳоли интернетга уланмоқда.

Уч кундан бун 3800 дан ортиқ маҳалла аҳолиси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мобил гуруҳи томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов ушбу маҳаллада бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Аҳоли билан суҳбатлашиб, уларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликларни эшитди.

— Ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди, — деди Э.Турдимов. — Туманининг бошқа маҳал-

ларисида қандай шарт-шароит, имконият бўлса, Навбаҳорда ҳам шундай шароит яратамиз. Тўғри, муаммолар кам эмас, лекин ҳаммасини халқ билан бамаслаҳат, босқичма-босқич ҳал қиламиз. Биринчи навбатда таълим, тиббиёт муассасалари ва аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун зарур бўлган масалаларга эътибор қаратилади.

Вилоят ҳокими маҳалладаги эҳтиёжман оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан ҳам хабар олди.



Каттақўрғонда "Ингичка бойитиш фабрикаси" очилди

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Каттақўрғон шаҳридаги Ингичка вольфрам конининг техноген чикиндиларини қайта ишлаш учун Олмалиқ кон металлургия комбинатига ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган эди.

Ушбу қарор ижросига кўра, Каттақўрғонда "Ингичка бойитиш фабрикаси" ишга туширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, "Олмалиқ кон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдулла

Хурсандов ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тантанали тадбирда таъкидланишича, мазкур объектда республикада илк мартаба вольфрам таркибли техноген чикиндиларини қайта ишлаш технологияси саноат миқёсида йўлга қўйилди. Мазкур технологиянинг саноатга татбиқ этилиши натижасида жорий йилнинг август ойида ушбу конда илк маҳсулот олинди ҳамда бу маҳсулотга халқаро сертификат берилди.

Ингичка конининг қолдиқларидан йилига 150 тонна вольфрам концентратини 35 фоиш WO3 билан бойитиш режалаштирилган.

Кейинчалик Ингичка конининг қолдиқлари ишлаб чиқаришга тўлиқ жалб қилинганда йилига 100 тонна вольфрам метали олинади.

Технология жорий этиш натижасида 2023 йилда биринчи босқичда 5,7 миллиард сўмлик 100 тонна ва 2024 йилда 13,7 миллиард сўмлик 285 тонна (ўртача 28 фоиш WO3) вольфрам концентрати олинади.

Шу билан бирга, 2023 йилда умумий қиймати 1,8 миллион долларлик 27 тонна вольфрам иштабиклари ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида вольфрам таркибли 27,9 миллиард сўмлик 36 тонна қаттиқ қотишмалар, асбоблар (кескич, парма) ишлаб чиқарилади.

Ушбу объектнинг ишга туширилиши натижасида биринчи босқичда 82 та янги иш ўрни яратилди. Иккинчи босқичда яна 200 та иш ўрни очилади.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



**ОБ-
ҲАВО**



Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи ҳудудларда туман тушади. Ҳарорат кечаси 5-10 даража, кундузи 2-3 даража совуқ бўлади.

7-10 декабрь кунлари ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 3-10 даражагача, кундузи 2-3 даража совуқ бўлади.

Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.

ОБУНА —
2023
"Зарафшон" ва
"Самарқандский вестник" газеталарига
2023 йил учун обуна бўлиш

БИЗ:

- Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газеталаримиз ва интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;
- маълумотларни биринчи манбадан олиб, сизга етказамиз;
- ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;
- энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталаримизга обунани таҳририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин!

Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва тақлифларини инобатга олиб, **ЎТГАН ЙИЛГИ НАРХДА** қолдирдик!

"ЗАРАФШОН" газетаси (ҳафтада уч марта)нинг обуна нархи:
• 640 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

КУНА ИДЕКСИ **5502**

"САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК" газетаси (ҳафтада икки марта)нинг обуна нархи:
• 468 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);
• 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

КУНА ИДЕКСИ **5504**

ЭНГ КЎП ОБУНА УОШТИРГАН ТАШКИЛОТЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРИМИЗ ҲАМ БОР!

Сиёсий жараён ўзгарган, халқ ноиблари ҳам

Кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, 2021 йилнинг январидан Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар ташкил этилди. Бу депутатларнинг фаолигини ошириш, доимий комиссияларнинг сессияга қадар ҳисобот ва ахборотлар билан танишиб, масалаларни чуқур ўрганилган ҳолда сессия кун тартибига киритиш амалиётини такомиллаштиришга ёрдам берди.

Жорий йилнинг 9 ойида 17 марта туман Кенгашининг сессияси ўтказилиб, 183 та масала кўриб чиқилди. Жумладан, ижро ҳокимияти раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг 71 та ҳисоботи ва 23 та ахбороти эшитилди. Яъни, авваллари сессияга киритилаётган масаланинг аксарият қисми корхона-ташкilotлардан олинган маълумотларга асосланган бўлса, энди 50 фоиз масала депутатлар ташаббуси, улар мониторинги асосида муҳокамага кўйилмоқда.

Мисол учун, суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия ҳамда Кенгаш котибияти ҳамкорлигида туман ИИБ ҳузуридаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳолати ўрганилди. Бу ердаги жараён билан танишиб, мавжуд шароитларни кўздан кечиригач, тегишли ҳулосалар чиқарилди.

Шунингдек, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг тумандаги ижроси ва "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги технологияларни киритиш" юзасидан туман ИИБ ИХБ томонидан амалга оширилаётган ишлар, фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматлар бевосита жойига чиқиб, аҳолининг фикрлари ўрганилиб, сессиялар кун тартибига киритилди. Қайсики, энди сессияга киритилган масала юзасидан фақат тегишли ахборот билан қарорлар қабул қилинмайдиган.

Бунда албатта, Кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари билан ўтказган учрашувларида ўртага ташланган саволларга ҳам аниқлик киритилади. Қолаверса, аҳолидан тушган ҳеч бир мурожаатни депутатлар

эътиборсиз қолдирмайди. Аниқланган муаммо ва таклифлар асосида ижро ҳокимияти органлари ҳамда турли даражадаги раҳбарларга 58 та депутатлик сўровлари юборилган. Сўровлар асосида ижобий ечимни топган қатор масалаларни айтиб ўтиш мумкин.

Жумладан, 18-Ҳўжакишлоқ сайлов округидан депутат Меҳроҷиддин Амонов томонидан юборилган депутатлик сўрови бўйича Тойлоқ туманидаги "Сарибозор" ва "Жумабозор" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 12 километр ички йўللарга тошшағал ётқизилди.

10-Сочак сайлов округидан депутат Нилуфар Акрамованинг депутатлик сўровига асосан, М-39 магистраль йўлининг Сочак маҳалласидан ўтган қисмида пидедалар йўлга ташкил этилиб, светофор ўрнатилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, ногиронлиги бўлган оилалар ва уларнинг фарзандларига ижтимоий аҳолини яхшилаш ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун депутатлик сўровлари орқали 84,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шу ўринда яна бир гап, айни пайтда "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали туманимиз фуқаролари томонидан энг кўп овоз тўплаган 17 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Кенгаш сессияси қарори билан ҳар бир лойиҳа бўйича смета ҳужжатлари тасдиқланиб, тегишли ишлар бошлаб юборилган.

Бобур ҲАМРОЕВ,
халқ депутатлари Тойлоқ тумани Кенгаши котибияти мудир.

"Aral dream" кўргазмаси бошланди



Вилоят давлат музей-қўриқхонасида республикамизнинг етти ҳудудидан келган рассомлар иштирокида "Aral dream" (Орол орзу) кўргазмаси намойиш этилапти.

Кўргазманинг мақсади - Оролбўйи ҳудуди атрофларида яшаётган халқларнинг аънавлари, кундалик турмуш тарзи ва байрамларини абадийлаштириш, қолаверса, янги сайёҳлик маршрутини очиш ва ривожлантиришдан иборат.

Оролбўйида мунтазам сайёҳлар оқими мавжуд, - дейди Урганч шаҳар "Ўзбекистон" жамоавий санъати музейи директори Ширин Тошева. - Жорий йил ёз ойида республикамизнинг бир гуруҳ рассомлари Орол денгизиде бўлди. Мўйноқ шаҳарчасида бир муддат яшаб, Оролбўйининг табиати, экологияси, аҳолининг яшаш тарзи ва урф-одатларини расмларда акс эттирдик. Уйлашимизки, ушбу кўргазма Орол денгизи ҳудудида ҳам сайёҳликнинг янги нуқталари ривожланишига хизмат қилади. Кўргазма икки ҳафта давом этади.

9 ойда 255 минг 276 тонна маҳсулот истеъмолга яроқсиз деб топилган

Бу ҳақда вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасида вилоятга кириб келаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, қурилиш ва бошқа маҳсулотларнинг хавфсизлик талабларини текшириш хизмати фаолиятига бағишланган пресс-турда маълум қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида бошқарма ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида 255 минг 276 тонна сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз маҳсулот аниқланди, - дейди вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачлари Шерзод Шарипов. - Жумладан, 189 тонна гўшт, 93 тонна сўт, 203 тонна балиқ, 3 тонна нон, 15 тонна қандолат маҳсулотлари, 1238 тонна мева-сабзавот, 11 тонна спиртли ичимликлар, 252 минг 376 тонна консерва, 707 тонна ош тузи ва 414 тонна уй шароитида тайёрланган пиширилган белгиланган тартибда истеъмолдан олинмай, реализацияси тақиқланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят аҳолиси ўртасида овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ беш ҳолат қайд этилиб, 51 нафар фуқаро жабрланган.

Назоратдаги 53 та марказий деҳқон бозорининг санитария ҳолати текширилганда, 22 тасида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Ҳолат юзасидан масъул шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ва суд органларига юборилган.

Бир шикоят изидан



Маҳалла йўлларига асфальт ётқизиш лозим, аммо...

Мактаб қур, элга сув келтир, қабристонни обод қил, одамлар юрадиған йўллари раво қил. Булар энг савобли амаллар сирасига қиради.

Тахририятимизга Паст Дарғом тумани Бахшибойи маҳалласи номидан Эгамберди Имомов ва Ҳақберди Шоназаровлар томонидан қилинган мурожаатда ҳам аҳолини қўйнаётган шу каби ҳолатларни бартараф этишда амалий ёрдам сўралган.

Маҳалламиздаги қабристонга борадиган 900 метр йўл абгор ҳолатда, мактаб олдидаги ариқдан аҳоли фойдаланадиган йўлга сув тошадиган, - деб ёзади Ҳ.Шоназаров. - Сув тошмаслиги учун мактаб қоровуллари ариқнинг бир томонини, аҳоли эса бошқа томонини беркилади. Шу ариққа лоток қўйиш, мактаб олди ва қабристонга борадиган жами 1500 метр йўлни асфальт қилишни сўраб кўп бора мурожаат қилдик, аммо ҳозиргача ижобий натижа йўқ".

Мурожаат юзасидан Бахшибойи маҳалласида бўлди. Ушбу маҳалладаги ички йўллarning айримлари бир неча йиллар олдин асфальт қилинган экан. Маҳалла раиси Зулхон Абиевнинг айтишича, ушбу маҳаллада 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг аксарияти устачилик, чорвачилик билан шуғулланади.

Маҳаллада ўтган йили қарийб 6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги қурилган мактабда 830 нафар ўқувчи билим олса, яна 150 нафар ўсмир кўшни маҳалладаги мактабга қатнайди.



Бахшибойи маҳалласидаги аҳоли номидан Ҳ.Шоназаровнинг мурожаатини ўрганиш учун шу маҳаллага келиб, ҳолатни ўргандик, - дейди Паст Дарғом тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Бегзод Жўраев. - Ҳақиқатдан ҳам маҳалланинг ички йўлларини асфальтлаш лозим, лекин маҳалладаги мактаб, қабристонга борадиган йўллarga уч йил аввал тош ётқизилган. Туманимизда 107 та маҳалла бор ва уларнинг ҳар бирида йўллари таъмирлаш, босқичма-босқич асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Сир эмас, бир кўчани асфальтлаш учун катта маблағ талаб этилади. Шундай бўлса-да, ички имкониятлардан келиб чиқиб, 2022 йилда маҳаллалардаги 29 километр ички йўл асфальт бўлди. Ушбу маҳалла йўллари ҳам дастур асосида навбати билан асфальтланади.

Яна мурожаатчилар янги қурилган мактабнинг олд томонида 150 метрдан ортиқ масофадаги ариққа лоток ўрнатилгани сўрашган. Аввало, тайёр лоток йўқ. Туманимиздаги Истиклол, Парчақора, Чандиробод, Тўртайғир, Туркбой, Қаршиобод, Ошиқ ота, Темирийўл, Қоксой, Ш.Рашидов, Алишер Навоий номли маҳаллалар аҳолиси ариқни лоток қилишда ёрдам сўради. Биз уларга тош ва цемент бердик, йўл қуриш савоб бўлади, одамлар ҳашар уюштирди, кимдир ҳашар ош қилди, бошқалар ҳам хисса қўшди. Ҳашар билан йўл ҳам обод бўлди, ариқлар ҳам лоток қилинди. Туманда ҳудуд катта, барча ички йўллари бирдан асфальтлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун маҳалла аҳолиси ҳам ўз ҳудудини обод қилишга хисса қўшса, йўлларимиз янада раво, юртимиз обод бўлади.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Б.МУСТАНОВ (сўрат).

Меҳр-мурувват тадбирлари давом этади



Вилоят мусиқали драма театрида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия тадбири ўтказилди.

Унда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зебинисо Раҳмонова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев, Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими раиси Д.Пардаев маъмуратимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

- Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 30 ноябрдан

юртимизда меҳр-мурувват ойлиги ўтказилмоқда, - дейди Д.Пардаев. - Ойлик доирасида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур тиббий-ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу албатта, имконияти чекланган инсонларнинг кўнглини шод этиш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишга хизмат қилади. Айниқсан, Президентимизнинг мурожаатида бизга қарата айтган "сизлар ўзларингизни ёлғиз ҳис этмаслигингиз, зарур билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, барча соҳа ва тармоқларда фаол иштирок этишингиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишингиз, маданий эътиёжларингизни таъминлашингиз учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз", деган сўзлари барчамизга ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбирда ногиронлиги бўлган ўғтиздан ортиқ фуқарога ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ҳамда бошқа зарур воситалар, эсдалик совғалари топширилди.

Шу ернинг ўзида хайрия марафонига старт берилиб, корхона ва ташкilotлар, саховатпеша инсонлар мазкур тадбирга ўз ҳиссасини қўшди.

Театрда ногиронлиги бўлган фуқаролар учун спектакль намойиш этилди. Шунингдек, Самарқанд халқаро туристик маркази "Боқий шаҳар" мажмуасига саёҳат уюштирилди. Тадбир иштирокчилари учун байрам дастурхони ёзилди. Сана муносабати билан "Маҳалла" хайрия жамоат



фонди вилоят бўлими ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларга ногиронлик аравачалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳамда эътиёжига кўра бошқа турдаги маҳсулотлар тарқатди.

Жумладан, Паст Дарғом туманидаги Туркман маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган Ҳ.Шомуротовага туман прокуратураси билан ҳамкорликда ногиронлик аравачаси берилди.

Вилоят молия бosh бошқармаси томонидан Самарқанд шаҳридаги Саховат уйда яшовчи 150 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар учун байрам тадбири ташкил этилди. Шунингдек, уларга эсдалик совғалари ўлашилди.

Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати маълумотига кўра, 5436 та умумий ўрта таълим мактабиде санитария қондалари, нормалари ва гигиена талабларига риоя қилиниши устидан назорат ўтказилган. Натижада аксарият мактабларда санитария қондаларига амал қилинмаслик ва касалликка чалиниш ҳолатлари аниқланган.

Шу асосда вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари вилоятдаги мактабларнинг санитария ҳолати билан танишди.

Аниқланишича, Иштихон, Каттакўрғон, Нуробод, Қўшрабат, Нарпай, Жомбой, Ургут туманлари, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳридаги айрим мактаблар санитария талабларига жавоб бермайдиган.

Жумладан, Иштихондаги 19 та мактабда санитария қондаларига амал қилиш ҳолати жуда ачинарли. Тумандаги 2-ИДУМ ва ҳудуддаги Алишер Навоий ҳайкали ёнида чиқиндилар уюлиб қолган. ИДУМ директори Т.Кўбаевнинг айтишича, туман ободонлаштириш бўлими билан шартнома тузилган, аммо чиқинди ташлаш учун махсус контейнер ўрнатилмаган. Бунинг устига, ҳожатхона ёпиб қўйилганлиги учун ўқувчилар талабга жавоб бермайдиган эски ҳожатхонадан фойдалан-

Мактаблар санитария талабларига жавоб берадими?



япти. Энг ёмони, мактабнинг уч нафар ўқувчисиде вирусли гепатит "А" юқумли касаллиги аниқланган. Шунингдек, тумандаги 11-мактаб ҳудудидаги ошхонада ўқувчилар истеъмол қилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари

ва рангли ичимликлар сотилмоқда. Каттакўрғон шаҳридаги 13 ва Каттакўрғон туманидаги 70-мактабда, Жомбойдаги 23-ИДУМ, 3-мактаб, Самарқанд шаҳридаги 1-ИДУМ, 55 ва 35-мактаблар ҳудудида

Фаэлиддин РЎЗИБОЕВ.



СОЛИҚ ТИЗИМИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги "Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингани. Мазкур қарор билан давлат солиқ хизмати органларида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегияси белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органларида маълумотларни қайта ишлаш, телекоммуникация қурилмаларини модернизация қилиш, ахборот тизимлари мажмуини ягона платформага ўтказиш йўлга қўйилди. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш орқали сифатни ошириш ва катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш тизимларини йўлга қўйиш натижасида давлат бюджетига қўшимча тушумлар ҳажми ортди.

Ушбу ҳужжат тизимнинг маълумотлар алашиши билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларини ҳал этишга имкон яратди. Турли ахборот тизимларининг интеграциялашуви натижасида маълумотлар базасида катта юкланиш ҳосил бўлганлиги сабабли ягона платформа яратилди.

"Business Intelligence" ва "Big Data" технологиялари йўлга қўйилиши эса катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш тизимлари кенгайиши имконини берди. Хуфиёна айланмалар даражаси кескин қисқариб, солиқ солинадиган база кенгайди. Марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюктурасини ўрганиш, товар ва хизматларнинг бозор нархларини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш имконияти яратилди. Ходимларнинг 50-60 фоизда маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлди.

Солиқ органларининг ахборот тизимлари мажмуи тўлиқ ягона платформага ўтказилиб, маълумотларни киритиш, тўллаш, таҳлил қилиш тизимлари оптималлаштирилди. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёни 5-7 баробаргача энгиллаштирилди, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик ва олдинги олиш чораларини қўллашга имконият яратилди.

Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари ва уларнинг мобил иловалари сони кўпайтирилиши эса солиқ хизмати ходимлари билан муносабатларда инсон омилини 60 фоизгача қисқартириш имконини берди. Бунинг эвазига қоғоз шаклидаги ҳужжат ишлари кескин камайтирилди.

Солиқ хизмати органлари тизимида рақамлаштириш, рақамли технологияларнинг кенг тартиб этилиши натижасида солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун кенг ва тенг шaroитлар яратилди. "Солиқчи - тадбиркорга кўмакчи" тамойили асосида солиқ жараёнларини қайта ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. 22 та янги хизмат жорий қилинди ва ахборот тизимлари комплексини ягона платформага ўтказиш чоралари кўрилди.

Давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги тизими такомиллаштирилиб, давлат солиқ кўмитасининг 14 та ҳудудий бўлиналари даражасида марказлаштирилган бошқарув механизми жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектлари орасидаги ўзаро ҳисоб-хитоблар тизимида ҳисоб-хитоб-фактураларнинг электрон шаклидан фойдаланишнинг мажбурий тартиби жорий этилди. ЭХФ энг қулай ва ишончли хизматлардан бири бўлди.

Бунда ҳисоб-хитоб-фактуралар электрон шаклда шартноманинг ихтисослашган иштирокчиси - харидор ва сотувчи томонидан бир вақтнинг ўзига тасдиқланади. Яъни, бу ҳисоботлар бир-бирига мос келиши демакдир. Шунинг учун бу ерда ҚҚС заңжирининг узилтиш хавфи бўлмайди. Бундай далиллар кўпинча солиқ хизмати томонидан аниқланади, шундан сўнг ҳисоб-китобларни асослаб бериш учун сўров юборилади.

Иккинчидан, агар корхона тўлиқ ЭХФ тизимига ўтадиган бўлса, ҳисоботни тақдим этгандан сўнг ҳисоб-китобларнинг ҳақиқийлиги ёки реализация ва харид қилинган ҳисоб-хитоб-фактуралар реестрларига мос равишда акс этмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизматида савол турғилмайди. Бу камерал солиқ текшируви билан боғлиқ тушунтиришлар ва билдиришномалар олишнинг олдини олади.

Учинчидан, ҚҚС заңжирини узилтишининг йўқлиги уни қайтариш жараёнини содда-лаштиради ва вақтни бир кунгача қисқартиради.

Тадбиркорларнинг солиқлардан ортқича тўлов суммаларини бошқа солиқ туридаги солиқ қарзларига сингдириш амалиётининг автоматлаштирилган тизими ишга туширилди. Эски тизимда ушбу жараён 8 босқични ўз ичига олиб, амалиётлар учун тадбиркорлар 10 хун ва ундан ортқича вақт йўқотган.

Янги тизимда жараён тўлиқ автоматлаштирилиб, инсон омили иштироки чекланиши натижасида коррупцияга қарши курашишнинг яна бир йўли пайдо бўлди.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан ишга туширилган "Солиқ ҳамкор" ахборот тизими мамлакатда яширин иқтисодийни қисқартириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳамкор мазкур тизим орқали солиқ тўловчи, солиқ агенти ёки бошқа шахснинг солиқ кодексига жавобгарлик белгиланган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан давлат солиқ хизмати органини хабардор этади. Тизим my.soliq.uz-электрон солиқ хизматлари портали ва солиқ мобил иловаси - "Солиқ ҳамкори" бўлими орқали бир неча йўналишда маъмурий ҳақиқатли рақамли таклиф этади. Ҳар бир фуқаро ўз хабари ҳолатини реал вақт режимида кузатиб бориши мумкин.

"Солиқ ҳамкор" ахборот тизими орқали маҳсулот ёки хизмат учун тўлов қилинганда чек тақдим этмаслик, тўлов терминаллари орқали савдо қилишни рад этиш, нархларни ошириш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш мумкин.

Каттақўрғон тумани мисолида оладиган бўлсак, шу кунгача тизим орқали 400 га яқин мурожаат қабул қилинди ва тегишлилиги бўйича ваколатли органларни хабардор қилган ҳолда текширувлар ташкил этилди.

Онлайн назорат касса машиналари касса машиналарининг янги авлоди бўлиб, бугунги кунда ундан дохионалар, ёқилги қўйиш шохобчалари, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш пунктларида, йирик савдо тармоқларида қўлланилмоқда. Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб йиллик тушуми 100 миллион сўм ва ундан ортқича бўлган тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши йўлга қўйилди. Онлайн-НКМ чекини бермаслик солиқ ҳуқуқбузарлиги ҳисобланади. Айна пайтга қадар Давлат реестрига 13 та Онлайн-НКМ ва 11 та виртуал касса дастурий маҳсулотлари ҳамда 20 та техник хизмат кўрсатиш маркази киритилган.

2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Каттақўрғон туманида нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорларнинг 870 тасига онлайн-НКМ ва виртуал касса дастурий маҳсулотлари ўрнатилди.

Яратилган имкониятлар натижасида туманда жорий йилнинг тўққиз ойи учун белгиланган 77702,1 миллион сўмлик режа 81404,2 миллион сўмга ёки 104,8 фоизга бажарилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври (69084,6 миллион сўм) билан таққосланганда, бюджет тушумлари 12319,6 миллион сўмга ёки 17,8 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин.

А.ҚУЛИМРИЗАЕВ,
Каттақўрғон тумани ДСИ бошлиғи.

Кредитдан айланма солиқ тўланади(ми?)

- Эшитишимча, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар айланмадан олинмаган солиқни 1 фоиз миқдорда тўлар экан. Шу тўғрисида бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар деғанда қарорлар назарда тутилади?

Ф.БАШИРОВ.

Тўғри, Солиқ кодексининг 467-моддасига асосан, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда чакана савдо ҳолатидаги солиқ тўловчилар учун айланмадан олинмаган солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланган. Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитасининг 2008 йил 14 октябрдаги (101-, 113-, 2008-43-сонли) қарорлари билан тасдиқланган Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилган. Унга асосан, яқин жойлашган туман марказлари ва шаҳар чегараларидан 50 километрдан ортқича масофада жойлашган ҳудудлар ҳамда йўриқноманинг 1-иловасида кўрсатилган туманлар чегарасида жойлашган ҳудудлар бориш қийин бўлган ҳудудлар таркибига киради.

Шунингдек, йўриқноманинг 2-иловасида кўрсатилган туманлар чегарасидаги денгиз сатҳидан 1000 метр бандликдаги зоналарда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари тоғли ҳудудларда жойлашган деб ҳисобланиши белгиланган.

- Корхонамизда инвентаризация ўтказдик. Инвентаризация натижасида ортқича товар-моддий захиралар аниқланди. Ушбу ҳолатда фойда солиғи ҳисоботи ўзгарадими?

Ф.РАИМОВА.

Солиқ кодексининг 295-моддасига асосан, солиқ тўловчи томонидан олинган фойда фойда солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади. Юридик шахс учун жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ фойда, деб эътироф этилади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисми 11-бандига асосан, жами даромадга инвентаризация натижасида аниқланган ортқича товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тартибдаги даромадлар киради.

Шунга қўра, инвентаризация натижасида аниқланган ортқича товар-моддий захиралар бўйича фойда солиғи ҳисоботида тегишли ўзгаришлар киритилади.

- Корхонамиз омиборида солиқ ҳисоботлари, унга илова қилинадиган ва бошқа шунга оид ҳужжатлар тўплами мавжуд. Ушбу ҳужжатларни сақлашимиз шартми?

А.ЭЛЧИЕВ.

Солиқ кодексининг 84-моддасига асосан, солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари солиқ органларига солиқ ҳисоботини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни, ушбу ҳисобот тақдим этилган йилдан кейин камида беш йил сақлаши шарт.

- Корхонамизда чет эл фуқароси ишлайди. Меҳнат шартномасига асосан, унинг маошидан неча фоиз даромад солиғи ушланиши керак?

Ш.ИБРАГИМОВ.

Солиқ кодексининг 382-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг норезидент бўлган жисмоний шахснинг республикадаги манбалардан меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадларига 12 фоиз (2022 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан) солиқ ставкаси бўйича жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи солинади.

- Мен такси ҳайдовчиларини "Yandex Taxi" агрегаторига улаб бериш хизмати билан шуғулланмоқчиман. Ушбу фаолият учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтсам бўладими?

Ж.БОЙСАРИЕВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатда такси агрегаторига улаб бериш билан боғлиқ фаолият назарда тутилмаган. Шунга қўра, юқорида келтирилган фаолият учун сиз масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона очилиши мумкин. Масъулияти чекланган жамият қонунчилиқда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

- Корхонамиз йўловчи ташвиш фаолияти билан шуғулланади. Ижтимоий солиқ бўйича имтиёз берилмадими?

Н.ЛАТИФОВА.

Солиқ кодексининг 483-моддаси йигирманчи хатбошига асосан, чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жайлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташвиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, машиини техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи корхоналар ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

- Корхонанинг қарзи учун мол-мулкига таъқиқ қўйилиши мумкинми?

Ф.ЭРҒАШЕВ.

Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан, солиқ органининг солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини чеклашга доир ҳаракати солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида мол-мулкни хатлашдир. Солиқ қарзи бўйича солиқ тўловчиларнинг мол-мулкни хатлаш суд қарорига қўра амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи тан олинган тақдирда, солиқ қарзини қарори асосида солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича мол-мулкига таъқиқ қўйилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича унинг мол-мулкни хатлаш солиқ тўловчи солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юборилган кундан бошлаб ўн беш календарь кун ичида у томонидан тўлиқ бажарилмаган тақдирда амалга оширилади. Солиқ қарзи уздан тақдирда, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан бекор қилинади.

Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод САЛИЕВ жавоб берди.



Агар солиқ тўғрисидаги қонунчилик солиқ ставкасини қўллашни, тўланадиган солиқ миқдорини, солиқ имтиёзини ёки солиқ чегирмасини қўллашни ва (ёки) солиқни тўлаш мuddатини ўзгартиришни солиқ тўловчининг муайян шартларга риоя этиши билан боғланиши мумкин. Унда ушбу солиқ тўловчи барча тасдиқловчи ҳужжатларни мазкур шартларнинг амал қилиши тугайдиган йилдан кейин камида беш йил сақлаши керак.

Бундай тасдиқловчи ҳужжатлар жумласига, хусусан, ушбу солиқ бўйича солиқ ҳисоботи, унга илова қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек, кўрсатилган шартларга ёки мажбуриятларга риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради.

- Олдинги даврда хатолик бўлгани учун онлайн назорат касса машинасида урилган чекка ўзгартириш киритиш керак эди. Ҳозир имконияти бўлмапти. Бунинг сабаби нимада?

К.ЭРМАНОВА.

Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида"ги низомага асосан, чекка тузатиш киритишда мuddат белгиланган бўлиб, чекка хато аниқланган ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тузатиш киритиш мумкин.

- Ўзим ишлайдиган ташкилот ҳада шартномаси билан автотранспортнинг номинга ўтказиб берди. Ушбу ҳолатда жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи тўлашим керакми?

А.АБДУРАҲМОНОВА.

Солиқ кодексининг 376-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан, солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текин, шу жумладан, ҳада шартномаси бўйича берилган мол-мулкнинг ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати солиқ тўловчи томонидан моддий наф тартибда олинган даромадлар жумласига киради. Бунда 12 фоиз солиқ ставкасида жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғига тортилади.

Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод САЛИЕВ жавоб берди.



Чет эл фуқароси неча фоиз даромад солиғи тўлайди?

- Корхонамизда чет эл фуқароси ишлайди. Меҳнат шартномасига асосан, унинг маошидан неча фоиз даромад солиғи ушланиши керак?

Ш.ИБРАГИМОВ.

Солиқ кодексининг 382-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг норезидент бўлган жисмоний шахснинг республикадаги манбалардан меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадларига 12 фоиз (2022 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан) солиқ ставкаси бўйича жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи солинади.

- Мен такси ҳайдовчиларини "Yandex Taxi" агрегаторига улаб бериш хизмати билан шуғулланмоқчиман. Ушбу фаолият учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтсам бўладими?

Ж.БОЙСАРИЕВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатда такси агрегаторига улаб бериш билан боғлиқ фаолият назарда тутилмаган. Шунга қўра, юқорида келтирилган фаолият учун сиз масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона очилиши мумкин. Масъулияти чекланган жамият қонунчилиқда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

- Корхонамиз йўловчи ташвиш фаолияти билан шуғулланади. Ижтимоий солиқ бўйича имтиёз берилмадими?

Н.ЛАТИФОВА.

Солиқ кодексининг 483-моддаси йигирманчи хатбошига асосан, чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жайлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташвиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, машиини техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи корхоналар ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

- Корхонанинг қарзи учун мол-мулкига таъқиқ қўйилиши мумкинми?

Ф.ЭРҒАШЕВ.

Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан, солиқ органининг солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини чеклашга доир ҳаракати солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида мол-мулкни хатлашдир. Солиқ қарзи бўйича солиқ тўловчиларнинг мол-мулкни хатлаш суд қарорига қўра амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи тан олинган тақдирда, солиқ қарзини қарори асосида солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича мол-мулкига таъқиқ қўйилиши мумкин.

Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод САЛИЕВ жавоб берди.

Чорвачилиқ хўжалиқлари учун имтиёзлар бор

- Чорвачилиқ билан шуғулланувчилар учун қандай солиқ имтиёзи ва энгилликлар мавжуд?

Ш.АБДУВОҲИДОВ.

Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги "Чорвачилиқ тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2024 йил 1 январгача наслчилик йўналиши субъектларига бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдалангани учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан қарорнинг 1-иловасида келтирилган товарлар республикага олиб килинганда, ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш мuddати 180 кунга узайтирилади. Шунингдек, тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солиқ тўловчининг ариза-сига асосан тездаштирилган тартибда 20 кундан кечиктирмадан қоплаб берилади. Солиқ суммаси қоплаб берилгандан сўнг камерал солиқ текшируви умумий тартибда амалга оширилади.

- Фарзандим олий таълим муассасасида шартнома асосида таҳсил олмақда. Ойлик маошидан шартнома тўловини амалга оширишим. Жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан имтиёзга эгаманми?

Ж.САФАРОВ.

Албатта, имтиёзга эгасиз. Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандининг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эригининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов солиққа тортилмаслиги белгиланган.

Мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади.

- Саволларга вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Умид АЛИМОВ жавоб берди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби давлат хизматини ривожлантириш, бунда сифат ва самарадорликни ошириш, тизимга ҳар томонлама малака-ли, билимли кадрларни жалб қилиш, давлат фуқаролик хизмати тизимининг бirligi ва барқарорлиги, қонунийлик, адолат, халққа хизмат қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислохотлар бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Муҳими, бундай ислохотлар халқимиз кундалик ҳаётида ўз ифодасини топаётгани билан аҳамиятли.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИ КИМ?

Президентимиз томонидан жорий йил 8 августда "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, "ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлиб, бу масала қарийб 30 йилга сурилиб келди ва унинг қабул қилиниши албатта, 35 миллион кишининг ҳаётини оsonлаштиради ва уларнинг кайфиятига беvosита таъсир қилади".

Қонун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни, яъни давлат органлари ва ташкилотлари ўрта бўйин ходимларининг меҳнатини тартибга солади. Энди фуқаролик хизмати давлат хизматининг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилиши аниқ бўлди. Умуман, давлат хизмати фуқаролик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, дипломатик ва ҳарбий ёки сиёсий ва носийёсий бўлиши мумкин.

Шу пайтгача Ўзбекистонда давлат хизматини ягона механизм сифатида кўриб чиқадиган бирорта ҳам ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди. 2017 ва 2018 йилларда давлат хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси жамoатчилик муҳокамасига қўйилган. Фақат 2020 йилга келиб, Қонун лойиҳаси сарлавҳасида "фуқаролик" сўзи пайдо бўлди.

Қабул қилинган қонун давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган 118 миңдан ортиқ давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар асосида фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳужжат сифатида вужудга келди. Қонунда давлат хизматчиларининг ваколатлари, ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбурияти, давлат хизмати билан боғлиқ чекловлар, давлат хизматида коррупция, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқий ҳулқ-атвори қоидалари белгиланган.

Давлат фуқаролик хизматчиси

ўз фаолиятини давлат фуқаролик хизмати лавозимларида амалга оширувчи Ўзбекистон фуқароси. Қонунга кўра, у манфаатлар тўқнашувидан қочиш, ҳолис бўлишга мажбурдир. Ўз мансаб мавқеидан шайбун, бу масала қарийб 30 йилга сурилиб келди ва унинг қабул қилиниши албатта, 35 миллион кишининг ҳаётини оsonлаштиради ва уларнинг кайфиятига беvosита таъсир қилади".

Қонун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни, яъни давлат органлари ва ташкилотлари ўрта бўйин ходимларининг меҳнатини тартибга солади. Энди фуқаролик хизмати давлат хизматининг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилиши аниқ бўлди. Умуман, давлат хизмати фуқаролик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, дипломатик ва ҳарбий ёки сиёсий ва носийёсий бўлиши мумкин.

Шу пайтгача Ўзбекистонда давлат хизматини ягона механизм сифатида кўриб чиқадиган бирорта ҳам ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди. 2017 ва 2018 йилларда давлат хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси жамoатчилик муҳокамасига қўйилган. Фақат 2020 йилга келиб, Қонун лойиҳаси сарлавҳасида "фуқаролик" сўзи пайдо бўлди.

Қабул қилинган қонун давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган 118 миңдан ортиқ давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар асосида фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳужжат сифатида вужудга келди. Қонунда давлат хизматчиларининг ваколатлари, ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбурияти, давлат хизмати билан боғлиқ чекловлар, давлат хизматида коррупция, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқий ҳулқ-атвори қоидалари белгиланган.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида ҳориз тажрибаси ва халқаро экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига таянилган. Хусусан, АҚШ, Япо-

ния, Буюк Британия, Франция каби ўндан ортиқ ривожланган мамлакатлар, МДХ давлатлари ва бошқаларнинг тажрибалари ўрганилган.

Жумладан, Францияда барча давлат хизматчилари икки катта туркумга бўлинади. Булардан биринчисини давлат маъмурияти, шунингдек, маҳаллий жамoалар ва оммавий муассасаларнинг фуқаролик хизматчилари (шу жумладан, ўқитувчилар ва шифокорлар) ташкил этса, иккинчи гуруҳга ҳарбий хизматчилар, судлар ва парламент ходимлари киради. АҚШда эса давлат хизмати "ҳуқуқат хизмати" ва "фуқаролик хизмати"га бўлинган.

Давлат фуқаролик хизмати-га кириш танлов асосида амалга оширилади. Бунда давлат тилини биладиган, давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун тегишли малака талабларига ва бошқа талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қабул қилинади. Чет эл мутахассислари ва экспертлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларини қонунчиликда белгиланган тартибда эгаллаши мумкин. Чет эл мутахассислари ва экспертларнинг хизмати ўташ тартиби ҳамда шартлари тегишли шартнома асосида белгиланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қонун давлат фуқаролик хизмати тизимининг бirligi ва барқарорлиги, қонунийлик, адолат, халққа хизмат қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиллик ва шаффоқлик, ҳолислик, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси сингари бир қатор давлат фуқаролик хизматининг асосий тамойилларини ҳам белгилайди.

Мақсуд ҚУРБОНОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУНОСАБАТДА

қонунларга риоя қилиняптими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосий аралашувининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Бизнес-омбудсман девонининг Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатувчи ходимларига 500 дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 170 га яқини қаноатлантирилди ва 270 га яқин мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини ер ва бинолар, солиқ муносабатлари, суд қарорлари, суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси, рўхсатномалар, лицензиялар ва ҳужжатларини расмийлаштириш, банк, молия ва кредит масалалари ташкил қилди.

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида келтирилган важларни чуқур ўрганиш ва имкон қадар уларни қаноатлантиришга, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, "SAMARKAND BUSINESS" МЧЖнинг (номи ўзгартирилган) вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижаларидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган камерал солиқ текшируви натижаларини кўриб чиқиш якунига кўра, қорхонага нисбатан кўшимча 145,4 миллион сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бўйича қарор қабул қилинган.

Солиқ кодексининг 14-моддасида кўрсатилган ҳуқуқни суистемъом қилиш, битим қалбакилиги (кўзбўямачилик учун тузилганлиги) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даввоси бўйича суд томонидан амалга оширилиши белги-ланган бўлса-да, солиқ бошқармаси жамиятнинг текширув натижалари бўйича норозилигини инобатга олманган ва солиқ идораси томонидан ушбу масала мустақил ҳал қилинган.

Шунга кўра, вилоят давлат солиқ бошқармасининг "SAMARKAND BUSINESS" МЧЖга нисбатан "Камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш натижалари" бўйича чиқарган қарорини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан Самарқанд туманлараро маъмурий судига ариза киритилди ва суднинг 2022 йил 6 октябрдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, солиқ



идорасининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилди ҳамда тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бундан ташқари, Бизнес-омбудсман ходимлари томонидан нафақат маҳаллий, балки мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоятда фаолият юритувчи "O'ZBIKOMBINAT" МЧЖ кўшма қорхонаси раҳбари Абдул Ҳабиб Суҳроб Халил Аҳмаднинг солиқ имтиёзларини қўллашда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати Бизнес-омбудсман ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, қорхонага нисбатан 240 миллион 264 миң сўмлик солиқ имтиёзи қўлланилиши таъминланди.

Бизнес-омбудсман девонининг Самарқанд вилоятида фаолият юритувчи ходимлари томонидан давлат идораларида ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузган 187 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилган бўлиб, шундан 50 нафар шахсга нисбатан ваколат доирасида мустақил равишда маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Шунингдек, 137 нафар шахсга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар кўриб чиқиш учун суд ва бошқа шахсга нисбатан ваколат доирасида тадбиркор виртуал офиси орқали кўриб чиқиш учун

жоборинга мурожаатларни белгиланган мuddатларда кўриб чиқмаганлиги, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш тартибига риоя қилмаганлиги боис Пайарик тумани ҳокимлиги, Тойлоқ тумани қурилиш бўлими ва Самарқанд сув таъминоти қорхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жарима маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Давлат идораларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда 2187 хил тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, бунга сабабчи бўлган ходимларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий ва интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Шавкат ҲАМДАМОВ, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидан масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2-модда.

АМНИСТИЯ ВА АФВНИНГ ФАРҚИ БОР

Айрим кишилар амнистия ва афви бир нарса деб тушунади. Аслида иккаласининг мақсади жиноят содир этган шахсни кечириш ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилиш бўлса-да, бироқ бу икки тушунча бир-бирдан фарқланади.

ЖИНОЯТЧИЛИК ЖИЛОВЛАНЯПТИ

Вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларига тажриба тариқасида янги намунадаги хизмат кийим-бошлари тарқатилган. Яъни, вилоятдаги профилактика инспекторлари синов тариқасида янги формада хизматни олиб бормоқда.

Кейинги вақтда кўпга бундай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Аммо унинг натижаси ва самараси қандай? Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 10 ойида вилоят ҳудудида 5638 та жиноят содир этилган. Улардан 1288 таси (22,8 фоизи) оғир ва 358 таси (6,3 фоизи) ўта оғир турдаги жиноятлар ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида қотиллик 23 фоизга, босқинчилик 22 фоизга, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш 16 фоизга, енгил тан жароҳати етказиш 10 фоизга, безорилик 15 фоизга, ўғрилик 12 фоизга қамайишига эришилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар бошқармасида "Вазиятлар бошқарув маркази" (Ситуатсион марказ) ташкил этилиб, 183 та объектга ўрнатилган 1489 та замонавий рақамли видеокузатув мосламалари билан интеграция қилинди, - дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи ўринбосари Фозил Сатторов. - Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг геоинформацион харитаси яратилиб, унга 107 миңга ижтимоий соҳа объекти ва аҳоли яшаш хонадонлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди ҳамда "Вазиятлар бошқарув маркази"га интеграция қилинди.

Жиноятчиликни "маҳаллабай" жиловлаш борасида жамoат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, ҳар бир жиноятни муҳокама қилиш, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш механизмлари яратилди. Бу борада ҳар бир маҳалла учун биттадан профилактика инспекторлари ажратилди, уларнинг сони 675 нафардан 1108 нафарга кўпайтирилди.

Бозорларда хизмат олиб бериш учун ҳам шартнома асосида профилактика инспекторлари штатлари киритилмоқда.



Ижтимоий муҳим қатлам, яъни хотин-қизлар муаммолари билан ишлайдиган аёл инспекторлар (31 нафар), мактабдаги воғна етказкичлари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи инспектор-психологлар (239 нафар) фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида вилоятдаги 13 та олий таълим муассасасига 8 нафар профилактика инспектори ва 3 нафар хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор штат бирликлари ажратилди. Мутасаддининг айтишича, ўтган 10 ойда вилоятдаги 1126 та маҳалланинг 496 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Яъни, мавjud маҳаллаларнинг 44 фоизи криминоген вазиятдан келиб чиқиб, "яшил" тоифага киритилган. "Сариқ" ёки "қизил" тоифадаги маҳаллалардаги аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш борасида мутасадди идоралар билан тегишли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунда биринчи навбатда "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"нинг юритилиши назорат қилинмоқда, - дейди Фозил Сатторов. - Энг оғир ва низоли вазиятларнинг ҳуқуқбузарликка айланишига йўл қўймайлик учун буни маҳаллаларнинг ўзидан бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳуқуқбузарликларни "маҳаллабай" тарзда "қизил",

"сариқ", "яшил" тоифаларга ажратиш — манзилли профилактикани қайси ҳудуддан бошлаш кераклигига ойдинлик киритади.

Прокуратура, ички ишлар, солиқ, миллий гвардия раҳбар ва ходимлари криминоген вазияти оғир маҳаллаларга бириктирилди. Улар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қарши курашиш тизимини тўғри ташкил қилиш ҳамда мазкур маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш чораларини кўрмоқда.

Вилоятда криминоген вазият оғир деб топилган ҳудудларда вазиятни яхшилаш, жиноят ўчоқларини бартараф этиш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган идоралар ҳамкорлигида кўшма қарор ишлаб чиқилди. Хусусан, криминоген вазият оғир деб топилган маҳалладаги муаммоларни маҳаллабай ва оилабай тизимда аниқлаб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими жорий этилди. Ишсизлар, ёшлар ва аёлларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, қамбағал оилалардаги психологик мухитни яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш чоралари кўриляпти.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, ҳуқуқбузарликлар асосан ижтимоий қатламга мансуб аҳоли, яъни руҳий ҳолати бузилган, алкоголизм, гиёҳвандликка муртоло бўлган шахсларнинг оиладаги яшаш тарзи ёки оилавий муҳитда юзага келадиган низоли ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, буларга эр-хотин ёки оиланинг бошқа бир аъзоси ўртасида фуқаролик тартибидеги масалаларнинг, масалан, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг доимий равишда ва ўз вақтида ҳал этилмаслиги оқибатда ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлади.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 ноябрдаги фармонида асосан, ички ишлар органлари тизимига "Ижтимоий профилактика" тушунчаси киритилиб, уни қўллашнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди. Аҳолини кийнаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизим яратилди. Жумладан, вилоят ИИБ жамоат ҳавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасида ҳам алоҳида ижтимоий профилактика бўлимаси ташкил этилиб, шаҳар-туман ИИОларида штатлар ажратилди. Ё.ГАДОЕВ.

"Tumanimizda huquqbuzarlikka moyilligi bo'lgan yoshlar kam, ammo jinoyatchilik ko'rsatkichi o'tgan yilga nisbatan oshgan."
Bu gapni Samarqand tumani hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari Dilfuza Azizova aytdi. Xo'sh, buning sabablari nimada?

Jinoyatchilikning oldini olishda yoshlar yetakchisining o'rni bor

AYRIM YETAKCHILAR FAOLIYATI QONIQRASIZ

Maktablardagi yoshlar yetakchilari faoliyati to'xtatilib, bu vazifa mahalla fuqarolar yig'inlarida joriy qilinishiga ham qariyb bir yil bo'ldi. Ularning zimmasiga maktab o'quvchilariga emas, balki mahallada yashovchi 30 yoshgacha bo'lgan yigit-qizlarga yetakchilik qilish vazifasi yuklangan. Bu vazifani siddiqildan bajarayotganlar ko'pchilikni tashkil etadi, ammo...

- Guruch kurmeksiz bo'lmaydi, deganlaridek, yoshlar yetakchilari orasida faoliyati qoniqrasiz bo'lganlar ham yo'q emas, - deydi Dilfuza Azizova. - Tumanimizdagi 74 mahallada yoshlar yetakchilari faoliyati olib borilgan. Ular 51 mingdan ortiq yigit-qizlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish, muammolarini o'rganish va yechim topishga ko'maklashish bilan shug'ullanib kelmoqda. Mahallalarni yoshlar yetakchilarining faoliyatiga asosan toifalarga ajratganmiz: Jumladan, Nayman, Buxoriy va Dahnay mahallalari "qizil" toifada. Sababi, aynan shu uch mahalla yetakchilari faoliyati qoniqarli emas. 57 mahalla "yashil", qolganlari esa "sariq" hududlar hisoblanadi. Reyting natijalariga ko'ra, "yashil" toifadagi hududlardan Mironqul, Bo'zi hamda Sulfakabutak mahallalari ilg'orlar safida. Ular tumandagi boshqa mahallalarga o'rnak bo'lyapti.



turidagi o'zbeklashtirilgan xalqaro musobaqada Serdar Olimjonov uchinchi o'rinni egalladi. Mahalla yoshlari tomonidan yilning o'tgan davri mobaynida birorta jinoyat sodir qilinmagan.

- Shu mahallada faoliyat boshlaganida 2 nafar yigit probatsiya to'yxatida turgan edi, - deydi yetakchi M.Qosimov. - Mahalla faollari bilan birgalikda ularning birini tadbirkorlikka yo'naltirdik va o'zining shaxsiy biznesiga ega bo'ldi. Ikkinchisini esa sportga jalb qildik. Bu yigit sambo bo'yicha respublika musobaqasida ikkinchi o'rinni egalladi va to'g'ari tashkil qilib, shogirdlar tayyorlayapti. Yana bir yigit qatnashgan jazo o'ziga qaratilgan. Uning ham bahadligi ta'minlangan, ya'ni maktabda bog'boh vazifasida ishlayapti. Shuningdek, kichik paytda sport zalida tashkil etiladigan to'g'ari va musobaqalarda muntazam qatnashib turadi. Mahallada yoshlardan iborat "Qalqon" guruhi tashkil qilingan. Bu guruh jinoyatchilikning oldini olishda mahalla faollariga yaqin ko'makchi. Shuningdek, profilaktika inspektori bilan hamkorlikda jinoyatchilikka moyilligi bo'lgan yoshlarni aniqlab, ularni ham sport to'g'arilariga jalb qilaymiz.

"BESH MUHIM TASHABBUS" - IMKONIYATLARNI ESHIGI

"Besh muhim tashabbus" olimpiadasi yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'zlashtirish, ular orasidan iqtidorlarni izlab topish va har tomonlama qo'llab-quvvatlash imkoniyatini yaratmoqda. Olimpiada doirasidagi tadbirlarni o'zlashtirishda ham yoshlar yetakchilarining o'rni alohida.

- Masalan, tumanimizdagi Mironqul mahallasi yoshlari "Besh muhim tashabbus" olimpiadasi birinchi mavsumining mamlakat bosqichida sporting "Workout" turi bo'yicha uchinchi o'rinni egalladi, - deydi D.Azizova. - Mukofot o'rinda mahalla yoshlari uchun "Workout" maydonchasi qurib berilyapti. Ayni paytda olimpiadaning ikkinchi mavsumi viloyat bosqichiga o'tkazilyapti. Bu mavsumda shu paytgacha qatnashgan yoshlarning 4 ta mahalla jamoasi stol tennis, shaxmat va kurash sport turlari bo'yicha respublika bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdi.

YOSHLAR O'RTASIDAGI JINOYAT OSHGAN. NEGA?

Jinoyatchilik aksariyat hollarda bekorchilikdan kelib chiqadi. Yoshlarning bo'sh vaqtlari mazmunli tashkil etilsa, ular o'zlariga foydali bo'lgan ish bilan band bo'lsa, noto'g'ri yo'lga qadam qo'yishdan tiyiladi.

- Tumanimizda huquqbuzarlikka moyilligi bo'lgan yoshlar kam, ammo afsuski, jinoyatchilik ko'rsatkichi o'tgan yilga nisbatan oshgan, - deydi tuman hokimi o'rinbosari. - Kech payti, ya'ni soat 16:00 dan 22:00 gacha uyushmagan yoshlar maktablardagi sport zallarida tashkil etilayotgan to'g'ari va musobaqalarga taklif qilinayapti. Bu jinoyatchilikning oldini olishda yaxshi samara berayapti. Hududimizdan katta magistral yo'l o'tgan. Yoshlar o'rtasida huquqbuzarlikning ortishi boshqa tuman yoki viloyat fuqarolari boshqaruvidagi avtomashinalar ishroqida sodir etilayotgan yo'l-transport hodisalariga e'vosiga hamdir. To'g'ri, boshqa jinoyat turlari ko'rsatkichlari bo'yicha ijobiy natijalarga erishaymiz, deb maqtana olmaymiz. Hec bir jinoyat sodir etilmasa, yutuq deb hisoblashimiz mumkin. Bugungi kunda huquqbuzarliklarning oldini olish uchun nafaqat yoshlar yetakchilari, tumandagi barcha mutasaddilar, keng jamoatchilikni jalb qilgan holda zarur choralar ko'rilayapti.

BO'ZINING BO'Z YIGITLARI

Tumaning Bo'zi mahallasi aholisining 2556 nafarini yoshlar tashkil etadi. Ularning 400 nafari sport to'g'arilariga qatnaydi. - Bo'zining bo'z yigitlari orasidan jahon chempionlari yetilish chiqaypti, - deydi mahalla yoshlar yetakchisi Muhiddin Qosimov. - Shu yilning o'zida 2 nafar yigit, ya'ni Ozodbek Xudoyqulov universal jang san'ati bo'yicha jahon chempioni bo'lgan bo'lsa, yaqinda Ozarbayjonda sporting milliy kurash

maktabda bog'boh vazifasida ishlayapti. Shuningdek, kichik paytda sport zalida tashkil etiladigan to'g'ari va musobaqalarda muntazam qatnashib turadi. Mahallada yoshlardan iborat "Qalqon" guruhi tashkil qilingan. Bu guruh jinoyatchilikning oldini olishda mahalla faollariga yaqin ko'makchi. Shuningdek, profilaktika inspektori bilan hamkorlikda jinoyatchilikka moyilligi bo'lgan yoshlarni aniqlab, ularni ham sport to'g'arilariga jalb qilaymiz.

HAR BIR YETAKCHI - BIR-BIRIGA KO'MAKCHI

Tumandagi har bir sektor kesimida mahallalarda faoliyat olib borayotgan yoshlar yetakchilari o'rtasida hamkorlik yo'lga qo'yilgan. Yetakchilar "O'rgan, o'rgat!" loyihasi asosida tajriba almashadi.


- 1-sektor mahalla yetakchilari yaqinda Mironqulda bo'ldik, deydi Sulfakabutak mahallasi yoshlar yetakchisi Kamol Ahmadov. - Bu mahallada buniyod etilayotgan sport maydonchasi va uning atrofini obodonlashtirishga hissa qo'shildi. Hozir davomida faoliyatimiz bo'yicha erishgan yutuqlarimiz haqida gapirib bordik, kamchiliklarimizni muhokama qildik. Bilganlarimizni o'rgatdik, bilganlarimizni o'rgatdik. Shuningdek, "O'rgan, o'rgat!" loyihasi doirasida mahallalarda tarqatilgan asbob-uskunalardan yoshlar qay darajada foydalanayotganini birgalikda nazorat qilaymiz. Bu uskunelarni sotib yuborish yoki to'g'ri foydalanmaslik holatlarining oldini olishga xizmat qilaypti. Tuman ichki ishlar bo'limidan olingan ma'lumotlarga ko'ra, shu yilning o'tgan 10 oyi davomida yoshlar o'rtasida 90 ta jinoyat sodir etilgan bo'lib, 2021 yilning mos davriga nisbatan 29 taga ko'paygan. Achinarlisi, bu jinoyatning 8 tasi voyaga yetmaganlar. 20 tasi xotin-qizlar tomonidan sodir etilgan.

P/S: Ushbu maqola 24-noyabr kuni Zarnews.uz sayti va telegram kanalida videolavha bilan birga berilgan edi. Maqolada ko'tarilgan mavzu ko'pgina muhokamalarga sabab bo'ldi.

Unda ayrim obunachilar "...yoshlar yetakchisidan 250-qaror haqida so'rasa, hech narsa bilmaydi, hatto ayrimlari ismini yozishni bilmaydi. Qarorlarni bilganda, yoshlar bilan qanday ishlashni tushungan bo'lardi", degan mazmundagi fikrlarni yozgan.

Samarqand tumani hokimi o'rinbosari Dilfuza Azizova unga javoban, yoshlar yetakchilari ayni paytda Prezidentimizning 312-qarori asosida ish olib borayotganini bildirib, ochiqroq yozishni, agar sohaga qiziqishi va yetakchilar faoliyati yaxshilanishi uchun takliflari bo'lsa, qabul qilishini aytdi.

To'liq SIDDIQOV,
Baxtiyor MUSTANOV (surat).



YANGI TA'HIRDAGI ME'HNAT KODEKSI

qanday yangiliklar bor?

Ўзбекистон Республикаси Президенти 28 октябрь куні "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунни имзолади. 2023 йил апрель ойидан кучга кирадиган ушбу Кодексда яққа тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг асосий принциплари белгиланди.

Янги кодекс кучга киргач, айрим тоифадаги ходимлар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмади. Ҳомилалар аёл, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл ёки уч ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота, захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар, шунингдек, жамоа шартномасида ва иш берувчининг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ходимлар шулар жумласига кирди.

Дастлабки синов фақат ходимни ишга қабул қилиш чоғида белгиланиши мумкин. Ходим бошқа ишга ўтказилган ва бошқа иш берувчига хизмат сафарига юборилганда дастлабки синов белгиланишига йўл қўйилмайди. Кодекснинг 130-моддасига кўра, дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари учун олти ойдан ошмаслиги керак. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим ҳақиқатда ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига қўшилмайди.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ҚЎЧИРИЛАДИ

Янги кодексга мувофиқ, дам олиш кунини байрам кунига тўғри келса, кейинги кунга қўчирилади. Масалан, яшанба - дам олиш кунини 1 сентябрга тўғри келса, дам олиш кунини душанбага қўчирилади. Бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шартлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар кун хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) тўғрисида ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари қўчирилмайди.

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА ҚЎШИМЧА БЎШ КУНЛАР БЕРИЛАДИ

Кодекснинг 403-моддасида иш берувчи ҳомилалар аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига антенатал (туғруқхона) парварисилаш (перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шартлиги белгиланди. Шунингдек, ушбу кодексда аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилди. Аёлларнинг ва оилавий вазибаларни бажариш билан мажбурий шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида белгиланди.

МАСОФАДАН ИШЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Ҳужжатнинг 452-моддасига мувофиқ, масофадан туриб ишлаш тартиби қонулаштирилди. Мазлумки, пандемия шароитида корхона, ташкилот ва идоралар ходимлари масофадан ишлаш тизимига ўтишига тўғри келди. Аммо бундай вазиятда иш берувчи ёки ишчи ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи ёки тартибга солишчи нормалар мавжуд эмаслиги амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Эндиликда бу алоҳида моддаларда белгилаб қўйилди.

Янги Меҳнат кодексини асосида ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан, интернет ҳақон ахборот тармоғидан фойдаланиш шarti билан иш берувчи ва ходим ўртасида масофавий меҳнат муносабат-

лари жорий этилиши мумкин. Масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси электрон ҳужжатлар алмашинуви орқали тузилади. Масофадан туриб ишлаш режими ходимни ишга қабул қилишда, ходим одатдаги иш режимидан масофадан туриб ишлаш режимига ўтказилган тақдирда белгиланиши мумкин.

ЎЙ ИШЧИЛАРИ КИМЛАР?

Бугунгача меҳнат қонунчилигида "уй ишчилари", деган тушунча мавжуд эмас эди. Ҳозир кишилар фаолиятини бусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, бунини анағалар нисолида айтиш мумкин. Уй ишчиларининг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан 514-модда билан тартибга солинди. Кодексда иш берувчи бўлган жисмоний шахсларга уларнинг тadbirkorлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ишларни бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи ходимлар (боғбонлар, анағалар, қоровуллар, оқочлар, ҳайдовчилар ва бошқалар) уй ишчилари деб белгиланди. Уй ишчиларини ишга қабул қилишга улар ўн олти ёшга тўлганида йўл қўйилади.

МЕ'HNAT ТАЪТИЛИ УЗАЙТИРИЛДИ

Кодексдаги асосий янгиликлардан яна бири йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь кунини эътиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди. Илгари таътил 15 иш кунидан иборат эди.

ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ БИР ХИЛ МИҚДОРДА БЎЛМАЙДИ

Ҳужжатда яна бир муҳим жиҳат белгилаб қўйилди. Амалдаги Меҳнат кодексининг 109-моддасида "ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас", деб белгиланган. Янги таҳрирдаги кодексда эса бу борада муҳим янгилик бор. Эндиликда ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш тартиби 173-моддага кўра, ходимнинг стажига қараб тўланиши белгиланди.

Яъни, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мажбурий иш берувчидан иш стажига боғлиқ бўлади ва у уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан, уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан, беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан, ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун - ўртача ойлик иш ҳақининг 150 фоизидан, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун ўртача ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас. Албатта, бунини умумий иш стажига адаштириб юбормаслик лозим. Бунда ходимнинг иш берувчидан иш стажига эга бўлган ходимлар учун ўртача ойлик иш ҳақининг бўшатилаётган корхонада ишлаган даври ҳисобланади.

Бундан ташқари, иш берувчининг ташаббуси билан ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш қисми кодексдан олиб ташланди.

Мансур НОРБОЕВ,
вилoят бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари.



Оила - ҳамма билганидай яшайдиган маскан эмас

Оила бир қараганда, ҳамма ўз шахсий танлови билан амалга ошириладиган макон. Лекин қонуний томондан олиб қараса, бу муносабатлар барчаси аниқ белгилаб берилган. Оила аъзолари бир-бирига ўзи истагандай муносабат қила олмайди. Никоҳ томонларининг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини voyaga етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Бугун ижтимоий тармоқларда оилавий муносабатлар билан боғлиқ турли видео ёки суратларнинг тарқалиши, оилалардаги вазиятларга жамоатчиликнинг эътиборини қучайтирмоқда. Кези келганда тегишли инсонларга жаобгарлик белгиланаётган. Узоқ йиллар давомида айтилмай келинаётган ҳолатларнинг юзага чиқиши, жамоатчиликда бундай салбий ҳолатларга нисбатан муносабат шаклланиши ҳам яқши томонга ўзгариш, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, Бош қомусимизнинг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Малоҳат МИРЗАЕВА, Пахтачи тумани ФХДБўлими mudiri.

Voyaga yetmaganlarga jazo tayinlashda

ularning yashash sharoiti ham inobatga olinadi

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksida voyaga yetmaganlarning jinoyat ishlarini yuritishga oid alohida bob mavjud. Xo'sh, bu nega kerak? Jinoyatning turi ma'lum bo'lsa, jazo ham bir xil bo'lishi lozim emasmi? Ayni savol-larga qonunni tahlil qilish orqali javob berishga harakat qilamiz.

Avvalo, shuni bilish lozimki, bu tartib xalqaro huquq talablariga mos belgilangan. Ya'ni, Parlamentimiz ushbu boddagi qoidalarni shakllantirishda Inson huquqlari umumijahon deklaratsiyasi, Bola huquqlari deklaratsiyasi, Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro pakt, BMTning Bola huquqlari to'g'risidagi Konvensiyalari talablaridan kelib chiqqan. Bu voyaga yetmaganlarning sodir etgan qilmishlariga ruhiy muvazabat va qilmishning ijtimoiy xavfliligini inobatga olishni nazarda tutadi. Shundan kelib chiqib, Jinoyat-protsessual kodeksida

voiyaga yetmaganlarning jinoyatiga doir ishlarni yuritish quyidagi o'ziga xos xususiyatlarni o'z ichiga olgan: Birinchidan, voyaga yetmaganlarning jinoyatiga oid ishlarni yuritishda qonuniy vakillar va himoyachining ishtirok etishi zarur. Bu avvalo, jarayonda bola huquqlarining real ta'minlanishiga xizmat qiladi. Shuningdek, unda qonuniy vakilning ishtirok etishida voyaga yetmaganning fiziologik va ruhiy holatidan kelib chiqib, o'zini himoya qilish imkonini cheklanganligi e'tiborga olinagan. Ikkinchidan, voyaga yetmaganlarning jinoyatlarini bo'yicha isbotlanishi lozim bo'lgan holatlarning o'ziga xosligi, ya'ni bunda voyaga yetmaganning aniq yoshi, uning shaxsiyati o'ziga xosligi, salomatligi, turmush va tarbiyalanish sharoiti, uni jinoyatga boshlagan katta yoshlilarning bor yoki yo'qligi aniqlanishi belgilangan.

Uchinchidan, voyaga yetmagan gumoh qilinuvchi yoki ayblanuvchining so'roq qilinishi jarayonida tergovchining ruxsati bilan voyaga yetmaganning qonuniy vakili, tergovchi yoki prokurorning ixtiyoriga ko'ra, pedagog yoki

psixolog ishtirok etishi belgilangan.

To'rtinchidan, voyaga yetmaganlarga nisbatan ehtiyoj choralarini qo'llashning o'ziga xos xususiyatlari, ya'ni O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 236-moddasida nazarda tutilgan asoslar bo'lgan taqdirda, voyaga yetmagan ayblanuvchiga kodeksning 237-moddasida nazarda tutilgan ehtiyoj choralaridan birini qo'llash mumkin. Bunda voyaga yetmagan shaxs ota-onasining, homiyalar, vasiylarning qaroviga yoki boshqari u bolalar muassasasida tarbiyalanayotgan bo'lsa, shu muassasa rahbarining qaroviga topshiriladi. Voyaga yetmaganlarga jazo tayinlashda, Jinoyat kodeksining 54-moddasida nazarda tutilgan holatlardan tashqari, uning jismoniy va ruhiy rivojlanish darajasi, jinoyatni sodir etish motivlari ham aniqlanishi va baholalanishi lozim.

Chunki voyaga yetmaganlarning jinoyatiga turli omillar sabab bo'lishi mumkin. Bu xoh oiladagi muhit, xoh tashqi ta'sir bo'lsin, qonunchiligimizda ularning barchasi inobatga olinishi belgilangan. Bu esa jinoyatga qo'l urgan yoshlarni qayta tarbiyalashning birinchi va asosiy bosqichi hisoblanadi.

F. SAMATOV,
jinoyat ishlari bo'yicha Nurobod tumani sudi raisi.

“ЖОМБОЙ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртошларимизни

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

қабул қилинган кун билан қутлайди!



ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*вилоятимиз аҳолисини Асосий қонунимиз
қабул қилинганлигининг*

30 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди!



«SAMARQAND KAMALAK INVEST TEKSTIL»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ



*меҳнаткаш
халқимизни
Бош қомусимиз
қабул қилинган
кун билан
муборакбод
этади!*

Махсулотлар
сертификатланган.



ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

озод ва обод юртимиз фарзандларини

КОНСТИТУЦИЯ

куни билан қутлайди!




➡ Акс-садо

Совғангиз сабаб эслаб юришларини истамайсизми?

Юртимизда байрамлар кўп, муҳим саналар бисёр. Тинч-осуда юртга байрамлар, хотиржам кўнгилларга хурсандчилик ярашади...

Лекин савол туғилади, биз бунинг қадрига еттишимизми, ундан тўғри ва унумли фойдаланячимизми? Афсуски, ҳа, деб жавоб бериш қийин. Масалан, болажонларимиз янги йилни, арча байрамини кўтиб, кун санади. Чунки улар янги йил шодоналариди Қорбободан совғалар олишади. Бундай ажойиб дамлар болажонларимизга олам-олам завқ улашади. Уларнинг кувончини кўриб, биз катталар ҳам хурсанд бўламиз. Табиийки, совға сифатида уларга турли ўйинчоқлар, ширинликлар берилди. Аммо қачон, қаерда кўнгилсиз, Қорбобонинг совғалари орасида китоблар ҳам бўлганини?



Ишдан қайтишда ёки меҳмонга борганда харидларингиз орасида албатта, болалар учун ҳар хил ўйинчоқлар, ширинлик ва егуликлар бўлади. Лекин улар ёнига битта китоб қўшиш ҳақида ўйлаб кўрсак, нур устига аъло нур эмасми? Чунки биз берган ўйинчоқлар синиши, ширинликлар бир пасда тугаши мумкин. Китобдан олиндиған маънавий озуқа-чи? Ундан олган билим, ибрат баҳосини бошқа бирон нима билан тенглаштириб бўлмайди, ахир!

"Зарафшон" газетасида халқ тэълими аълочиси Мурод Қурбонзода кутубхонасидаги ақсарият китобларини шогирдлари совға қилгани ҳақида ёзди. "Китобни дўст тутинг, бошқаси бекор" сарлавҳали мақолани ўқирканман, шу ҳақида ўйлаб қолдим.

Яқинларимдан олган совғаларим - ўйинчоқларга ширинликларнинг микдори эсимда йўқ. Аммо улар совға қилган "Робинзон Крузо", "Ўзбек халқ эртаклари", "Уч оғайни ботирлар" каби бир-бирдан қизиқарли китоблар ва ундаги воқеалар, қаҳрамонлари ҳали-ҳануз эсимда, кўз олдимда турибди. Демак, совға учун берилган китоб йиллар давомида уни берган инсонни бошқалар ёдида сақлайди.

Бас, шундай экан, Сиз ҳам шириндан шакар ўка-сингилларингиз ва ўғил-қизларингизга яхши бир китоб совға қилинг! Айниқса, буви ва бувижонлар оилада, маҳаллада пиру бадавлатлигимиз белгиси сифатида бу борда ибрат бўлайлик. Фарзандларимиз, набираларимизни китоб ўқишга ундайлик. Улар дарсдан сўнг бўш пайлариди, тэълим кунларида ёшига мос асарларни ўқиб, фикрлашга, мулоҳаза қилишга ўргансин. Агар фарзандингиз, неварангиз кичкина бўлса ҳам суратлари кўп китобларни олиб беринг. Бу унда аста-секин китоб мутолаа қилишга, қолаверса, билим олишга бўлган иштиёқни янада кучайтиради.

Бошқаларни китобхонликка қизиқтирмасак, "Оилавий китобхон", "Еш китобхон" кўрик-танловларига қатнаша олмадик, "Мэрифат маскани", ақборот кутубхона марказларига етаклаб боролмасдик, кексалигимиз, ёши катталигимизнинг нима кераги бор?

Жибак АҲАДОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
Пайариқ туманидаги 24-умумий ўрта тэълим мактаби тарбиётчиси.

➡ Янги китоб

Таниқли олим М.Муҳаммедов қаламига мансуб "Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темуր давридан то ҳозирги кунга қадар" номли асар катта тарихий давр мобайнида, хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққий этиш жараёнларини ўрганишга бағишланган.

Юртимиз иқтисодий ҳаётидаги олти асрлик тарих

Асар чуқур илмий таҳлилга асосланганлиги билан ажралиб туради. Унда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида олти аср давомида рўй берган тарихий воқеалар иқтисодий тараққий ёўлида юзага келган муаммолар билан баён этилган. Ушбу китобнинг алоҳида аҳамияти шундаки, у орқали муаллиф мамлакатимиз ҳаётида Амир Темуր давридаги иқтисодий юксалишни ҳозирги кундаги мураккаб вазиятда иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар даври билан солиштиради.

Китобда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва унинг мамлакат иқтисодиётини янги, бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида ривожланиши учун катта имкониятлар яратганлиги, ўтиш даври қийинчиликлари рақамлар асосида келтирилган. Айниқса, бугун мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий

ислоҳотлар, унинг аҳамияти хусусидаги фикрлари илмий асосланганлиги билан диққатга сазовор. Шунингдек, китобда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимизнинг бой тарихига муносиб иқтисодий қиёфасини тиклаш, уни иқтисодий жиҳатдан дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг батафсил ифодасини топган.

Асар талабалар, магистрлар, докторантлар учун муҳим манба, раван ва содда тилда ёзилган, айна пайтда илмий ва ҳаётий фикрларга бой, у нафақат олимлар, балки тарихий ривожланиш тенденцияларини билиш, кўникмаларга эга бўлишни мақсад қилган ўқувчиларда ҳам қизиқиш уйғотади.

Жаҳонгир ЗАЙНАЛОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.



Тез ёрдам чақирса, аввал ҳамшира келади

Узоқ йиллар ҳамшира сифатида фаолият юритдим. Вақт ўтиб, билимимни ошириш учун ҳозирги Самарқанд давлат тиббиёт университети олий ҳамширалик факультетини ҳам тугатиб, ишладим. Касбини жуда яхши кўраман ва уни такомиллаштириш, ҳамшираларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича ўз фикрларимни Самарқандда ишлаб юрган кезларим ҳам билдирганман.

Айни пайтда Исроил давлатидаман. Келганимдан буён бу ердаги тиббиёт, хусусан, ҳамширалар фаолиятини кузатишга ҳаракат қиламан. Яхшиси, бундан бир мисол орқали тушунтириб берсам. Бир куни мен парварши қилаётган 93 ёшли онахонинг мазаси қочиб қолди. Бу ҳақида унинг оиласидегиларга хабар бердим, улар ўз навбатида тез тиббий ёрдам хизматига қўнғирок қилган. Орадан беш дақиқа ўтгач, ҳамшира келди. Аввалига ҳайрон қолгандим. Кейин бу ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Тез ёрдам бўлимидагилар уни чақирган хонадонга энг яқин бўлган масофада истикомат қилувчи ходимига, яъни ҳамширага боғланар экан. Ҳамшира уйда бўлса-да, доим ўзига зарур тиббий воситалар, дори кутиси билан юради. Ҳамшира беморни

Шаҳодат БОТИРҚУЛОВА,
Исроил, Тель-Авив.

Ishtixonda chempion yoshlar ko'paymoqda

Joriy yil "Besh tashabbus olimpiadasi"ning birinchi mavsumida viloyatimizdan 24 ta mahalla yoshlari musobaqaning respublika bosqichida g'olib bo'ldi va ularning mahallalariga sport maydonchalari qurilishi uchun sertifikatlar taqdim etildi.



Jumladan, Ishtixon tumani degi G'afur G'ulom, Chaqar, Yangikent va Xalqobod mahallalarida sport maydonchalari qurilib, foydalanishga topshirildi. "Besh tashabbus olimpiadasi"ning birinchi mavsumida mahallalimizdan 500 nafar o'g'il-qiz qatnashdi, - deydi G'afur G'ulom mahallasi yoshlar yetakchisi Akbar Xidirov. - Yoshlarimiz musobaqaning final bosqichida stribol bo'yicha birinchi o'rinni qo'lga kiritdi va mahallamizga universal sport maydonchasi qurib berildi. Olimpiadaning ikkinchi mavsumida 700 nafar yoshlar qatnashib, stribol bo'yicha respublika bosqichiga 5 nafar sportchimiz yo'l oldi. Ayni paytda tumanda 496 ta sport inshooti mavjud. Shundan bittasi sport maktabi bo'lib, unda 58 nafar trener-o'qituvchi 1276 nafar o'g'il-qizga 19 sport turi bo'yicha mashg'ulot o'timoqda. Sportchilarimizning 35 nafari O'zbekiston milliy terma jamoasi a'zosi. - deydi tumah sport maktabi direktori Olim Sa'dullayev. - Asosiy tarkibga 14 nafar, zahira tarkibga 21 nafar o'g'il-qiz kiritilgan. Joriy yilning o'tgan davrida sportchilarimiz jahon chempionatida 1 ta oltin, Osiyoda 1 ta kumush, 8 ta bronza, O'zbekiston chempionati va kubogida 11 ta oltin, 14 ta kumush, 48 ta bronza medallarni qo'lga kiritdi. Boks terma jamoasi tarkibida 5 nafar ishtixonlik sportchi faoliyat olib bormoqda. O'tgan yil Polshaning Kelshe shahrida boks bo'yicha yoshlar o'rtasida ilk bor jahon chempionligini ishtixonlik sportchi Nigina O'ktamova qo'lga kiritgan edi. Yaqinda Ispaniyada o'zbekizgan yoshlar o'rtasidagi jahon chempionatida 48 kilogramm vazn toifasida yurimiz sharafigini himoya qilgan yana bir ishtixonlik bokschisi finalda hindistonlik raqibini 5:0 hisobida mag'lubiyatga uchratdi va jahon chempionligini tahratna qildi. Fazliddin RO'ZIBOYEV.

"Xalqaro va respublika tanlovlar, musobaqalari g'oliblari bo'lgan akademik litseylar, professional ta'lim muassasalari va umumta'lim maktablari o'quvchilarini taqdirlash tartibi to'g'risida"gi nizomga muvofiq, kattalar va yoshlar o'rtasida Olimpiya va Paralimpiya o'yinlarining g'olib va sovrindorlari oliy ta'limga imtiyoz asosida qabul qilinadi.

Chempion sportchilarning hammasiga ham ijodiy imtihonda maksimal ball berilmaydi

Makur nizomga ko'ra, 2021/2022 o'quv yilida Olimpiya va Paralimpiya, Osiyo va Paraoziyo o'yinlari, jahon va Osiyo chempionatlarida oxirgi to'rt yilda hamda respublika chempionatlarida oxirgi bir yilda g'olib va sovrindor (1-3 o'rin) bo'lgan umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus professional ta'lim muassasalarining bitiruvchilari oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun hujjatlar qabul qilish boshlanguniga qadar oliy ta'lim muassasalarining ijtimoiy tarbiya va sport sohasidagi ta'lim yo'nalishlariga qo'shimcha davlat granti asosida kunduzgi, sirtqi, kechki ta'lim shakllariga imtihon sinovlarisiz qabul qilinishi belgilangandi. Bu degani, sportning olimpiya va paralimpiya turlari bo'yicha Olimpiya, Paralimpiya, jahon va Osiyo, respublika musobaqalari g'oliblari o'z yo'nalishlari bo'yicha imtihonsiz o'qishga kirishi mumkin edi. Biroq joriy yil 15-iyunda qabul qilingan "Davlat oliy ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish jarayonlarini tashkil etish to'g'risida"gi Prezident qarori asosida sportchilarning o'qishga kirishdagi imtiyozlari bilan bog'liq qism tahrirlandi. Imtihonsiz o'qishga kiradiganlar to'xtatib respublika g'oliblari butunlay olib tashlandi, jahon va Osiyo chempionatlarining oxirgi to'rt yillik g'oliblari emas, oxirgi bir yillik g'oliblari imtihonsiz o'qishga qabul qilinishi belgilandi. Davlatimiz rahbarining joriy yil 3-noyabrda "Ijtimoiy tarbiya va sport sohasida kadrlarni tayyorlash hamda ilmiy tadqiqotlar tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, 2023/2024 o'quv yilidan boshlab O'zbekiston davlat ijtimoiy tarbiya va sport universiteti hamda uning filiallariga

kimlar o'qishga hujjat topshira olishi va kimga kasbiy (ijodiy) kirish imtihonlarida maksimal ball berilishi tasdiqlandi. Qarorga ko'ra, 2023/2024 o'quv yilidan boshlab O'zbekiston davlat ijtimoiy tarbiya va sport universiteti hamda uning filiallarida: "Sport faoliyati (faoliyat turlari bo'yicha)" bakalavriat ta'lim yo'nalishiga kaidida ikkinchi sport razryadiga ega bo'lganlar; "Sport turining alohida yo'nalishlari" magistratura mutaxassisligiga esa kamida O'zbekiston sport ustasligiga yoki O'zbekiston g'ozmesteyterligiga noimzod sport razryadiga ega bo'lgan abituriyentlar qabul qilinadi. Bunday talabga bo'g'ri kelmaydigan abituriyentlar hujjat topshira olmaydi. Bunden tashqari, 2023/2024 o'quv yilidan O'zbekiston davlat ijtimoiy tarbiya va sport universiteti hamda uning filiallarida quyidagilar kasbiy (ijodiy) kirish imtihonlarini topshirishdan ozod qilinadi va ularga maksimal ball beriladi: - O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan sportchi faxriy unvoni-ga ega sportchilar; - xalqaro toifadagi O'zbekiston sport ustasi yoki xalqaro g'ozmesteyter sport unvoni-ga ega sportchilar; - O'zbekiston sport ustasi yoki O'zbekiston g'ozmesteyteri sport unvoni-ga ega sportchilar; - Olimpiya va Paralimpiya, Osiyo va Paraoziyo o'yinlari dasturiga kiritilgan sport turlari bo'yicha respublika chempionatlarida oxirgi bir yilda g'olib (1-o'rin) bo'lgan sportchilar. Bahodir BERDIQULOV, sportni rivojlantirish boshqarmasi sport ta'lim muassasalari bilan ishlash bo'yicha bosh mutaxassisi.

Jomboy tumani Naymantepa mahallasidagi 6-umumiy o'rta ta'lim maktabida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 30 yilligi munosabati bilan "Yangi O'zbekistonni birgalikda quramiz!" mavzusida adabiy-badiiy kecha bo'lib o'tdi.

Maktabda mushoira

Tadbirda Qomusimzning jamiyat hayotida tutgan o'rni, yurtimizda inson qadri uchun olib borilayotgan islohotlarning natijalari, bugungi kunda mamlakatimizda yoshlar tarbiyasiga berilayotgan e'tibor, bu kabi uchrashuvlarning ahamiyati haqida fikr almashildi.

Tadbirda ta'lim, sport, ma'naviy-madaniy sohalarda erishgan yutuqlari uchun umumta'lim maktablarining yigirmaga yaqin o'quvchilariga tumah hokimi tomonidan joriy etilgan maxsus stipendiya va faxriy yo'nalishlar topshirildi. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Bahora Shodmohova, shoirlar Bilibatjab Elbekova, Nefiza O'zarova hamda 6-maktab o'quvchisi, yosh ijodkor Muqaddas Keldiyorova o'ziga shu'lar yig'ilganlar oltiniga sazovor bo'ldi. Davra ajoyib mushoira, yoshlar ijrosidagi quvnoq kuy-do'shlariga ulandi.

Yormamat RUSTAMOV.

Самарқанд полвонлари ким бўлди?

Самарқанд спорт якка кураши бўйича ихтисослаштирилган мактабда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида кураш бўйича "Ўзбек полвони" мусобақасининг вилоят bosqichi бўлиб ўтди.



Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят прокурори Ж.Ҳатамов, ДХХ виллоят бошқармаси бошлиғи А.Аҳмедов иштирок этиб, миллий курашни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхтади. Турнирда мусобақанинг туман (шаҳар) bosqichida ғолибликни қўлга киритган 200 нафарга яқин хаваскор спортчи - эркеклар беш, аёллар уч вази тоифасида беллашди. - Турнирда +100 килограмм вази тоифасида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди, - дейди Паст Даргом туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Элибой Ибрагимов. - Энди республика bosqichida ҳам вилоятимиз шарафини ҳимоя қиламан. Мусобақа ғолиблирига ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Турнир ғолиблири 15-16 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган республика финал bosqichida иштирок этади. Ф.РЎЗИБОВ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Охотин Сергей Александровичга (2022 йил 15 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй. Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Маматқулов Махсумга (1991 йил 19 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Раджаболи Ходжиевичга (2020 йил 21 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Ҳазратқулов Махмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темуր кўчаси, 36-уй. Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Очилов Нармакшида (2022 йил 2 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Дунё бунча гўзал... Тикувчи қиз, иккинчи гуруҳ ногирони Малоҳат Бердиева ҳақида сўз



Ёш эр-хотинга шу исми маъқул келди. Қизалоғини Малоҳат деб атадилар. Биринчи фарзандининг кулишлари, ёқимли қилиқлари уларни боҳад суюнтирар, уйларига файз киритар, ўзларининг ушалмаган орзуларини шу қизимиз амалга оширади, деб ширин хаёллар суришарди.

мактаб директори қабул қилмади. "Махсус мактабга топширинг", деди. Иккинчи мактаб-интернатни тавсия қилишди. Қизини оиласидан узоққа юборгиси келмади, ўзим ўқитаман, деди отаси.

Ҳар куни сумка кўтариб, мактабга кетаётган тенгдошларини деразадан, эшикдан кузатаётган қиз ўқинар, кўзлари ёшга тўларди. Тушларига мактаб кирарди... Уйда онаси "Адабиёт ва санъат" газетасини, отаси "Фан ва турмуш" журналини ўқиб берарди.

- Она, бирор жойини қолдирмадингизми, кўл билан кўрсатиб ўқинг, дерди. Мана бу ерга нима ёзилган?

- Манзили, аздади, муҳаррири ёзилган.

- Униям ўқинг, - дерди, Малоҳат. Қоғозларда мўъжиза борлигига ишонарди.

Сингиллари мактабга боргач, уйга келиб, қайси фандан нимани ўрганган бўлса, онаси Малоҳатга ҳисобот берарди. Изланувчан, тиришқоқ қиз шу тарзда саводини ҳам чиқариб олди ва энди почтадан келадиган газета, журналларни битта қолдирмай ўқиб чиқадиган бўлди. Мактаб кутубхонасидан фақат битта китоб бераркан, кичкина китобларни тезда ўқиб тугатган, бу гал семизроқдан олиб келинган, дерди. Отаси туман марказидаги китоб дўкандан китоб опкеларди-да, ўқиб, назмуни айтиб берганга беш сўм пул мукофоти берарди. Албатта, мукофот Малоҳатга насиб этарди. У мукофот пулини отасига қайтариб олиб, яна янги китоблар олиб келишни сўрарди.

У китоблардаги ижобий қаҳрамонларга ишонарди. Кун келиб, ўзининг қўлидан ҳам иш келишига, одамларнинг ҳолатини чиқара олишига ишонарди. Онасининг кўрпаларини сўтиб, маҳалласининг қизларига чиройли фартуқлар тикиб берарди. Онасидан гап ҳам эшитарди. Тикув машинаси, янги матолари бўлишни орау қиларди, ҳаммага чиройли кийимлар тикиб бергиси келарди. Негаки, ўқиган китоблари уни гўзал ораулар оламига олиб келарди. Учмоқ учун қанотлар ваъда қиларди, юрагига шиддат, вужудига куч берарди. Энг муҳими, китоблар уни бўйинг паст, деб камситмасди. Худди тенгдоши каби дўст, сирдош, онаси каби меҳрибон бўлиб сўхбатлашарди. Китоб ўқиганда қайғуларини, ўқинишларини, ўзини ўқитганларини унутарди. Ҳамма қатори инсонга айланарди, китоблардан куч оларди. Шеърлар ўқиб, завқланарди:

Биз билмаган жумбоқларга дуч қилар ҳаёт, Орзуларни сароб нисол пуч қилар ҳаёт. Жумбоқларни, саробларни енгиб яшаган Одамларга курашмоққа куч берар ҳаёт, десалар ишонарди.

Малоҳат тикувчиликни ўрганди. Бўйи етмаган жойларга ақли етди. Улчам олишга қийналган чоғларда чора топди. Бўйлари узун, сулув санамларни суюнтирадиган кийимлар тикди. Тикув машинасига зўрға бўйи етгани сабаб стулга ўтириб тикиш қилолмас ҳам, тик туриб кийимлар тикди. Меҳнатим оғир деб нолимади, иши борлигига, одамларга фойдаси тегаётганига шуқур қилди.

Икки йил аввал ташкилотчи, тadbirkor аёл Гулобод Номозованинг "Ногирон аёллар" уюшмасини тузганини эшитиб, Самарқанд шаҳрига келди. Гулобод бағри кенг, меҳрибон аёл экан, ўзи каби китобларга кўнгул қўйган инсон, аҳоли шеърлар ижодкори ҳам экан. У Малоҳатни яхшилаб тинглади. Малоҳат уйда ўтириб, буюртмалар олса ҳам бўларди, аммо жамоат бўлиб ишлашни, иши бор одамлар сафида бўлишни бир умр истаганини айтиб берди. Мактаб директори кичкинасан, деб, ўқишга қабул қилмаганини ҳам айтди. Гулобод уни тушунди ва ногирон аёллар учун очилган ишхонага таклиф қилди. Малоҳат ўзи каби қизлар сафида меҳнат қилмоқда, уларнинг ичиди оғури бор, бунинг устига, қорхонанинг энг чевар тикувчиси, муҳлислари кўп, буюртмалари кўплигидан, хушмуомалалигидан унга навбатлар узун.

Ота-онасидан тез-тез хабар олиб туради. Оиласидаги ҳамма маъракаларга бош-қош. Икки ука ва учала сингиллари унинг маслаҳатини олишади, гапидан чиқмайди, ишлаб топганининг баракаси бор, асосийси, ҳеч кимга муҳтож эмас.

Яқинда каттанинг қабулига борди. Саховатпешалигини, ёрдамини аямаслигини эшитиб, билиб борди. Кам таъминланганлар учун қурилатган уй олмақчиман, деди. Катта унга ёрдам бериш ниятида мен сизни "Саховат уйи"га жойлаб қўяман, деди.

Малоҳатнинг кўзларидан ёш тиркираб кетди. Бутун умр (ёши эллида) ҳамма қатори яшашга, ишлашга ҳаракат қилганлари, ногиронлигини енгишга ҳаракат қилганлари қаяққа кетди? Ҳали

пенсия ёшида эмас-ку, ишлаб турибди-ку! Балки кўнгли бутунлар "Саховат уйи"га бормайман, деб қулиб қўя қолар. Аммо кўнгли ярим бўлса ҳам орзулари бутун аёлни бу сўзлар йиғлатди. Мустақил яшамоқчи эди. Озрок қўллаб юборишса, топганларини қўшиб, ўз уйига эга бўлмоқчи эди.

Малоҳат фақат қуйлақлар эмас, устки кийимлар ҳам тикиди. Урға кирган кийимларнинг ҳаммасини тикишга ҳаракат қилади. Бошда айтганимиздек, тик туриб ишлади. Орзуларига етмай қўймади. Дунёни чиройли либосларда кўргиси келарди. Дунё бунча чиройли, дейди.

Мен Малоҳат билан сўхбатлашар эканман, унинг жасоратига, ҳаётга бўлган муҳаббатига, ўз касбига қизиқишига, янги-янги режалар тузишига ҳайрон қолдим. Ҳаётдан нолиб юрган тўрт мучаси соғларга унинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатгим келди. Кўнгул тоза, орзуларга тўла бўлса, биллақларингга куч инар экан, бўйларингга буй қўшилар экан. Ҳасратларга енгиланларга Малоҳат ўз фалсафасини айтгиси келарди:

О, нега дундан нолиймиз гоҳо, Минг шодлик ичра бир чексақ сал жафо. Кундуздан нолиймиз, тундан нолиймиз, Аслида дунёнас, бизлар бевафо.



Ҳосният БОБОМУРОДОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Муштарий мулаҳазаси

Камолотга элтувчи шодлик

Инсон фаолиятида илм билан бирга вужуд ва руҳ мукамаллигининг ўрни беқийс. Кейинги пайтда жисмоний ва маънавий тарбияга эътиборни биров сусайтириб қўйди. "Илмни заъфаронлар, олим бўлиб, одам бўлолмаганлар" сафи одатдагидан анча кенгайди.

Умумий ўрта таълим - камолот мактаби. Ҳаётнинг муҳташам қасрига мустаҳкам пойдевор ана шу шуқухли дамларда қўйилади. Бу улғу иморатнинг мазмуни кўп жиҳатдан ўша пойдеворга боғлиқ.

Тарбия - қомил инсонни шакллантиришда асосий умид. Таълим-тарбияда пайванд қилишнинг иложи йўқ. Истеъдод тарбия маҳсули эмас, тарбия объектидир. Истеъдодсиз боланинг ўзи бўлмайди. Фақат уларнинг ўзи каби истеъдодлари ҳам ранг-баранг. Таълим ва тарбиянинг яна бир вазифаси анча оғир ва чалғитувчи юмуш - истеъдодларни ўз вақтида тўғри кашф қилиш, уларга маърифатли эрк бериш ва юксалтиришдан иборат. Истеъдоднинг бири ўрнида бошқасини ахтариш - ўриқдан олма, чидан атлас умиди кабидир. Тарбиядан мақсад бир турни бошқасига айлантириб юбориш эмас, уларнинг ҳар биридан арзирли ҳосил: мўл ва сифатли ўрик ёки олма, нафис чит ёки сержило атлас олишидир.

Таълим таълимда одам ва олам ҳақидаги тасаввурларни тўғри шакллантириш - асосий вазифа. Худди ана шу босқичда таълим ўзининг иқтисодий самараси билан гоёт зич боғланади, оммабол ва завқликка эришиши мумкин бўлади.

Қанчалик ўринли, ўринсиз бўзиб-тузишларга қарамай, таълим тизими ўзанидан жиҳдий равишда чиқиб кетган эмас, катта изланишлар жараёни билан нафас олмақда. Шунинг учун мавжуд шаклларга озгина "бадий бўёқ" бериш билан кифояланамиз.

Умумий ўрта таълим худди ҳозиргидек икки асосий ва бир ёрдамчи босқичда ташкил қилинган маъқул. Биринчи босқич, 1-4 синфларни қамраб олувчи "Шодлик мактаби" бўлиб, машғулотларнинг деярли эллик фоизи жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияга қаратилган. Бундан 25 фоизи бевосита жисмоний тарбия ва маънавий-ахлоқий тарбияга қаратилган. Бундан 25 фоизи бешоқа фанлар мазмунига сингирилган ҳолда амалга оширилади. Жисмоний тарбиянинг айрим элементларига технология, мусиқа каби дарсларда эътибор қаратилса, деярли барча фанлар таркибидан маънавий-ахлоқий тарбия унсурлари жой олади. Ҳар қандай тўғри ташкил қилинган таълимда тарбия элементлари мавжуд бўлади. Муваффақиятлардан завқланиш, меҳнатсеварлик, сабр-бардош, ғалаба муқаррарлигига ишонч, эзгулик ва адолатга ташналик каби ҳис-туйғулар таълим таркибидидаги тарбия мевалари саналади. Бу мактабда бутун жараён болаларни шодлик оларига кўпроқ рўбарў қилишдан иборат бўлиб, уларнинг жисмоний ва маънавий юксалишига; савод чиқариш, тўғри талаффуз ва имло, энг содда математик амалларни бажариш ҳамда она табииатнинг меҳр билан кузатишга эътибор қаратилган.

"Шодлик мактаби"нинг битирувчилари маълум ҳулоса ва тавсиялар, зарур ўринларда танловлар орқали "Камолот мактаби"нинг уч



асосий йўналишларидан бирига ўтказилади. Улар "Ижод мактаби", "Маърифат мактаби", "Хунар мактаби" кўринишларида бўлиб, машғулотлар ягона дастур ва дарсликлар мазмунида олиб борилади. Фақат топшириқлар мураккаблик даражасига қараб, ҳозир ҳам унча-мунча амал қилаётганимиздек, икки ёки уч босқичда бўлиши мумкин.

Фан асосларини эгаллашда ҳамма тўлақонли бир хил бўлолмайди: қизиқиш ва истеъдод деган тушунчалар ҳам бор. Аммо эзгуликка, жисмоний баркамолликка муносабатда кўпчилиكنинг ўзаро яқин бўлишлари гоёт аҳамиятли. Шунинг учун бу мактабларда ҳали жисмоний ва маънавий тарбия учун бир хил - 25 фоиз вақт ажратилгани мақсадга мувофиқ. Фан асосларини ўрганиш ва хунар эгаллаш "Ижод мактаби"да етмишга беш, "Маърифат мактаби"да элликка йигирма беш, "Хунар мактаби"да йигирма бешга эллик фоиз нисбатларда амалга оширилгани маъқул. Шу тариха "Ижод мактаби"да алоҳида эҳтисоб ва истеъдод соҳиблари, "Хунар мактаби"да нозик ва мураккаб хунарларга қизиқувчилар, "Маърифат мактаби"да эса турли қобилият эгалари таълим ва тарбия олишдаи ҳамда хунар ўрганишдаи.

"Ижод мактаби" таркибига, шу ном билан аталувчи илм даргоҳлари билан бирга, академик лицейлар, Президент мактаблари ва бошқа иқтидор соҳиблари учун мўлжалланган таълим муассасаларини киритиш мумкин. "Хунар мактаби" йўналишида мусиқа, тасвирий санъат, хунармандчиликнинг барча турлари, спорт, харбий тайёргарлик каби тўплаб соҳаларга қизиқувчилар тахсил олишади. Бу мактаблар айрим жиҳатлари билан "Ижод мактаби"га анча ўхшаш кетади ва асосан вилот ҳақида туман кесимларида ташкил қилинади. "Маърифат мактаби"да фан асослари билан бирга илк босқич оммавий хунарлар эгалланади.

"Камолот мактаби"нинг барча йўналишларида ҳозирги мавжуд шаклларнинг умумий қўлайликларидан фойдаланилади. Барча йўналишларда умумтаълим фанлари соҳа эҳтиёжларига мувофиқ, ҳажм

ва мазмунда ўрганилади. Жараён масалага модерна муносабатни инкор қилмайди: айрим ўринларда танловлар ва истиқослашув 5-синфдан 9-синфгача бўлган оралиқда амалга оширилишига ҳам йўл қўйилади.

Кўриниб турибдики, тилга олинган шаклларнинг деярли барчаси қизиқиш ва истеъдод ранг-баранглигининг илмий-амалий эътирофи сифатида бугунги кунда озми-кўпми мавжуд. Фикрларимиз, таклиф ва мулоҳазаларимиз асосан ҳажм-мазмун муаммоларига дахлдор. Соддаликка, ихчамликка интилиш, жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияга, хунар муқаррарлигига ҳар қачонгидан ҳам жиҳдий эътибор қаратишдан иборат.

Болалик фақатгина келажакка тайёргарликдан иборат жараён эмас, инсон умрининг ўзига хос муҳим босқичидир. Айримлар уни келажакка фидо қилиш қанчалик зарур деб тушунишмасин, бу баҳорий завқ-шавақни ҳеч қачон ва ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Болаликни фақат катталаргина ҳимоя қила олиши, фақат уларгина сигналган манзилларга бошлашлари мумкин. Бу уларнинг дунё олдиди энг катта бурчи ва қарзидир. Болалар катталар сафига қанча ошиқмасин, бу жараёни тезлаштиришга биз томонимиздан бўладиган ҳаддан ташқари урнинишларнинг фойдаси йўқ. Яхшиси, уларга ўз болалиқларини бундан-да гўзал ўтказишларига дунёнинг тажрибалари асосида илмий-амалий ёрдам берайлик. Инсоният қанчалик тараққиётга эришган бўлмасин, болалар билан жуда кўп нарсаларни бошидан бошлашга тўғри келарди. Худди шу маънода болалар катталарнинг ўтган кунлари, дунёнинг эса умидларга лиммо-лим бугуни ва эртасидир.

Таълим ва тарбиянинг мактаб босқичини тасвирий ифодалашга тўғри келиб қолса, ҳеч иккиланмай, камолотга элтувчи шодлик деган бўлардик.

Илш АБДИЕВ.

КУМУШ ҚИШ ЗИЙНАТИ



Бяхтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

Matbuot uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X Barcode and publication details.